



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШНИ ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИГА ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

PhD Асамов Равшан Баходирович
Тошкент халқаро университет

Аннотация. Мақолада ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари диверсификациясини қўллаш бўйича ёзилган мақолаларни ўрганиш ва таҳлил қилишга асосий эътибор қаратилган. Ушбу мавзу бўйича инглиз тилида ёзилган илмий мақолалар ва маърузалар Google Scholar платформаси, Scopus ва Web of Science маълумотлар базасига киритилган журналлардан танлаб олинди ва таҳлил қилинди.

Калит сўзлар: қишлоқ хўжалиги, диверсификация, озиқ-овқат хавфсизлиги.

ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ИЗУЧЕНИЯ ВЛИЯНИЯ ДИВЕРСИФИКАЦИИ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОГО ПРОИЗВОДСТВА НА ПРОДОВОЛЬСТВЕННУЮ БЕЗОПАСНОСТЬ

PhD Асамов Равшан Баходирович
Ташкентский международный университет

Аннотация. Статья посвящена изучению и анализу статей, написанных по вопросам применения диверсификации сельскохозяйственной продукции в обеспечении продовольственной безопасности в развитых и развивающихся странах. Научные статьи и отчеты, написанные на английском языке по этой теме, были отобраны и проанализированы на научной платформе Google Scholar, Scopus и журналах, включенных в базу данных Web of Science. В результате исследования сделан вывод, что диверсификация производства сельскохозяйственной продукции положительно влияет на обеспечение продовольственной безопасности населения и достижение целей развития стран.

Ключевые слова: сельское хозяйство, диверсификация, продовольственная безопасность.

FOREIGN EXPERIENCE IN STUDYING THE IMPACT OF AGRICULTURAL PRODUCTION DIVERSIFICATION ON FOOD SECURITY

PhD Asamov Ravshan Baxodirovich
Tashkent International University

Abstract. The article focuses on the study and analysis of articles written on the application of diversification of agricultural products in ensuring food security in developed and developing countries. Scientific articles and reports written in English on this topic have been selected and analyzed from the Google scholar platform, Scopus, and the journals included on the Web of Science database.

Key words: agriculture, diversification, food security.

Кириш.

Аҳолининг бугунги кунда барқарор озиқ-овқат билан таъминотида энг аввало озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги тармоғининг ўрни беқиёсдир. Ушбу тармоқда сўнгги йилларда технологик ўзгаришлар жараёнларнинг ижобий таъсирлари ресурслардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқариш унумдорлигини ва озиқ-овқат хавфсизлигини янада оширган бўлсада, ҳануз жаҳонда очлик ва тўйиб овқатланмаслик ҳолатлари мавжуд. Дунё аҳолисининг 10.8% иёки 820 млндан ортиқ одамлар тўйиб овқатланмайди. Шунингдек, мамлакатимизда ҳам бу муаммо мавжуд бўлиб бу кўрсаткич 2002 йилда 16.2% 2018 йилга келиб икки ярим баробарга, 6.3% га камайган. Шу жумладан нафақат ривожланаётган балки ривожланган мамлакатларда ҳам озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш долзарб муаммога айланмоқда. Бунда аҳоли ўртасида турли юқумли бўлмаган касалликлар, семириш, ортиқча вазн каби касалликларнинг тарқалиши ошиб бормоқда. Шу боисдан озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш каби муаммоларни ҳал қилишда мамлакатлар турли қишлоқ хўжалигига оид дастурлар ишлаб чиқмоқда. Ушбу мақолада айнан қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш орқали юқорида қайд этилган муаммоларни ҳал этиш бўйича дунё тажрибасида қўлланилган муваффақиятли амалиётлар ва ишлаб чиқилган дастурлар таҳлили келтирилган. Давлатларнинг табиий-иқтисодий, ижтимоий-демографик, сиёсий-институционал омиллари борки хўжаликлар маҳсулотлари етиштиришни диверсификацияси даражасига маълум миқдорда таъсир ўтказиши. Ушбу омилларни ҳисобга олган ҳолда мақолада қишлоқ хўжалигини диверсификация қилишнинг афзалликлари хориж тажрибасини ўрганиш орқали кенг ёритилди.

Адабиётлар шарҳи.

Ривожланган мамлакатларда қишлоқ хўжаликларида ишлаб чиқаришни диверсификациялаш иқлимнинг салбий таъсирларини юмшатиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини пасайтирмаслик экинлар ҳосилдорлигини ошириш ва кўпроқ даромад олиш бўлиб ҳисобланади (Altieri, Nicholls & other, 2015).

Арианалар ва Николастар (Lancaster & Torres, 2019) Қўшма Штатларда олиб борган тадқиқотларида қишлоқ хўжалигини диверсификация қилишда иккита: ички ва ташқи омиллар таъсир қилишини таъкидлаб ўтган. Улар, ички омилларга қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларнинг қадриятлари ва тармоқ тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланишини киритиб ташқи омилларга бозор ва ерга эгалик қилиш имкониятларини эканлигини келтириб ўтган. Мисол тариқасида АҚШ қишлоқ хўжалиги департаментининг мева-сабзавот истеъмолчини рағбатлантиришда (истеъмол савати) (MYPLATE) дастурининг ишлаб чиқилиши мева-сабзавот истеъмолчига бўлган талабни оширганлигини кўрсатган ҳамда ҳам ишлаб чиқариш ва ҳам импорт ҳажмининг ошишига олиб келган. Олимлар ҳар бир истеъмол савати нинг ярмини мева-сабзавот ташкил қилиниши таклиф қилинган ва 5 хил гуруҳдаги озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилиш меъёрларини берилиши таклиф қилинган. Бундан ташқари, истеъмолчилар озиқ-овқатга талабининг тобора ошаётганлиги маҳаллий фермерларга янги бозор имкониятларини очилиши истеъмолчиларни янада жалб қилиш мақсадида экинлар диверсификациясининг ошишига хизмат қилган. Юқоридаги тажрибадан давлатнинг соғлом овқатланишга қаратилган чора-тадбирлари экинлар диверсификация даражасини ҳамда истеъмол сифатини оширишга хизмат қилган (Lancaster & Torres, 2019). Бунда фермерларнинг истеъмолчилар талабидан келиб чиқиб ишлаб чиқаришни ташкил қилиши айнан ривожланган бозор муносабатлари ва механизмлари ишлаётганлигини кўрсатади. Европа Иттифоқи иқлим ўзгаришларининг салбий таъсирларига қарши курашиш чора тадбирлари сифатида Қишлоқ хўжалигининг умумий сиёсати (CAP) ислоҳоти фермерларни монокултурадан диверсификацияланган тизимларга ўтишга ундаш мақсадида бир қатор имтиёзлар (субсидиялар)ни жорий қилди. Ушбу имтиёзларга мувофиқ, фермерлар ҳукуматдан субсидияларни олиш учун экинлар тизимига камида уч хил экинлар экиш талаб қилинди (Ridier, Roussy & Chaib, 2021).

Бенедек ва бошқалар Covid-19 пандемияси даврида ривожланган Европа Иттифоқи мамлакатларидан Венгрия, Эстония, Руминия ва Португалия озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда кичик хўжаликларида диверсификация даражаси оширилиши уларнинг муваффақиятига катта ҳисса қўшган (Benedek & other, 2021). Шу каби муваффақиятли амалиётларни жорий қилиш мақсадида Европа Иттифоқининг тадқиқот ва инновацияларни молиялаштириш дастури Горизонт 2020 ва Горизонт Европа (Horizon 2020 ва Horizon Europe)

(DiverImpact) лойиҳаси кўп мамлакатларда кичик фермер хўжаликларида экинлар ва маркетинг стратегиялари диверсификациясини оширишга катта эътибор берган ҳолда уларни 2020-2027-йилгача молиялаштирган.

Тадқиқот методологияси.

Мақолада ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини диверсификациялашнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдаги тадқиқот бўйича ёзилган мақолаларни ўрганиш ва таҳлил қилишга қаратилган. Бу мавзудаги инглиз тилида ёзилган илмий мақолалар, ҳисоботлар Google scholar платформасидан Scopus, Web of Science базасига кирган журналлардан танлаб олиниб таҳлил қилинди. Мақолаларни танлаб олиш қидирув натижаларига қаратилган ҳолда бир нечта калит сўзлар “Food security”, “Agricultural diversification”, “Developed and developing countries”дан фойдаланилди. Қидирув натижаларига кўра мавзуга мос энг мақбул мақолалар ва ҳисоботлардан 4 таси танлаб олинди. Қуйида ҳар бир мамлакат бўйича муваффақиятли амалиётлар кенг ёритилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Бинобарин, Европа Иттифоқининг 16 та давлати мисолида экинлар диверсификациясига қаратилган тажрибаларда бир қанча йўналишларда тупроқ унумдорлигини оширишни, фермерлар даромадини кўпайтириш, ресурс тежамкорлигини ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашни мақсад қилган.

Биргина Буюк Британия мисолида мамлакатда вегетарианларнинг кўпайишини ҳисобга олиб маҳаллий аҳоли ва деҳқонлар билан биргаликда мамлакатда ресурслардан оқилона фойдаланишда ишлаб чиқариш билан овқатланишни бир-бирига мослаштириш имкониятларини кўриб чиқиб айнан дуккакли дон экинларига диверсификация қилиш инсон овқатланишига ва агроэкология учун фойдали томонларини кашф қилган (Parnell & other, 2013). Бундай амалиётни жорий қилиш натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг бир қисми ҳаттоки Шимолий Африкага ҳам экспорт қилинишига олиб келган.

Япония тажрибаси ўрганилганда, Қишлоқ хўжалиги, ўрмончилик ва балиқчилик вазирлиги гуруҳдан бошқа экинлар етиштиришни кўпайтириш ва диверсификацияни қўллаб қувватлаш мақсадида қишлоқ хўжалиги ерларида сабзавот, буғдой ва соя ишлаб чиқарувчилар учун субсидиялар миқдорини оширган. Натижада, 2022 йилнинг дастлабки ярим йиллиги ҳисобига аҳолининг овқатланиш таркибида бошқа маҳсулотлар сонининг ортиши ҳисобига гуруҳ истеъмоли икки баробарга қисқарган ва диверсификация индекси ошганлигини кўрсатган.

1-жадвал

Ривожланган мамлакатларда қишлоқ хўжалигида маҳсулотлар етиштириш диверсификациясини қўллаб қувватлаш стратегиялари¹⁰⁸

| № | Давлат номи | Диверсификация стратегияси | Диверсификация механизми |
|---|-----------------|--|---|
| 1 | АҚШ | АҚШ ҳукуматининг маҳаллий мева-сабзавот ишлаб чиқариш бўйича диверсификациялашни рағбатлантириш ташаббуслари | АҚШ қишлоқ хўжалиги департаментининг MYPLATE лойиҳаси |
| 2 | Европа Иттифоқи | Европа Иттифоқининг тадқиқот ва инновацияларни молиялаштириш дастури Горизонт 2020 ва Горизонт Европа дастурлари | DiverImpact лойиҳаси |
| 3 | Ҳиндистон | Нархларни қўллаб қувватлаш сиёсати | Давлат мойли экинлар, мева сабзавот етиштирган фермер хўжаликларига минимум кафолатланган нарх белгиланган (Minimum Support Price) |
| 4 | Япония | Маҳсулот ишлаб чиқариш занжирида давлат субсидиялари | Қишлоқ хўжалигида деҳқончилик диверсификациясига тўловлар амалиёти |

¹⁰⁸ Монографик кузатувлар асосида муаллиф ишланмаси

Аҳолини соғлом овқатланиш даражасини ошириш учун ривожланаётган ва ўтиш даври иқтисодиёти мамлакатларида ҳам қишлоқ хўжалигида маҳсулотлар етиштиришни диверсификациялаш стратегияси қўлланилмоқда. Бир қатор халқаро ташкилотлар Ҳиндистонда қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳолини камбағалликдан чиқариш мақсадида деҳқончилик ва чорвачилик диверсификацияси даражасини ошириш зарур эканлиги таъкидланмоқда. Жоши ва бошқаларнинг олиб борган тадқиқотлари натижасида айниқса кичик хўжаликлар (экин майдони 2 гектардан кам бўлган фермер хўжаликлари) юқори қийматли мева-сабзавотга ва чорвачиликни диверсификация қилишга ўтиши улар даромадларини оширишга хизмат қилиши мумкинлигини чунки ғалла экинлари ўрнига боғдорчилик экинлари етиштириш майдон бирлиги ҳисобига етти баробар кўп даромад келтиришини ҳам исботлаган (Joshi & other, 2004).

Жаҳон банкининг 2020 йил маълумотларига кўра Ҳиндистонда тўйиб овқатланмайдиганлар сонининг ошиши 16 фоизни ташкил қилган. Синг ва бошқалар экинлар ва чорвачилик диверсификациясини ошириш истеъмол даражасини оширишига олиб келишини ўзларининг тадқиқотларида кўриб чиққан (Singh & other, 2020).

Хулоса ва таклифлар.

Юқорида келтирилган адабиётларни ўрганиш натижасида шундай хулосага келиндики, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни диверсификациялаш аҳоли озиқ-овқат хавсизлигини таъминлашга, мамлакатларнинг ривожланиш мақсадларига эришишга ижобий таъсир қилади. Шундай бўлишига қарамасдан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни диверсификациялаш турли мамлакат ва ҳудудлар бўйлаб турлича имкониятлар, муҳитга, хусусиятларга эга эканлиги уларни амалга оширишда янада аниқ тадқиқотлар олиб бориш ва улардан келиб чиқиб амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишни талаб қилади.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Altieri, M. A., Nicholls, C. I., Henao, A., & Lana, M. A. (2015). *Agroecology and the design of climate change-resilient farming systems. Agronomy for sustainable development, 35(3), 869-890.*

Benedek, Z., Fertő, I., Galamba Marreiros, C., Aguiar, P. M. D., Pocol, C. B., Čechura, L., ... & Bakucs, Z. (2021). *Farm diversification as a potential success factor for small-scale farmers constrained by COVID-related lockdown. Contributions from a survey conducted in four European countries during the first wave of COVID-19. PloS one, 16(5), e0251715.*

Joshi, P. K., Gulati, A., BIRTHAL, P. S., & Tewari, L. (2004). *Agriculture diversification in South Asia: patterns, determinants and policy implications. Economic and political weekly, 2457-2467.*

Lancaster, N. A., & Torres, A. P. (2019). *Investigating the drivers of farm diversification among US fruit and vegetable operations. Sustainability, 11(12), 3380.*

Parnell, G. S., Hughes, D. W., Burk, R. C., Driscoll, P. J., Kucik, P. D., Morales, B. L., & Nunn, L. R. (2013). *Invited review—Survey of value-focused thinking: Applications, research developments and areas for future research. Journal of Multi-Criteria Decision Analysis, 20(1-2), 49-60.*

Ridier, A., Roussy, C., & Chaib, K. (2021). *Adoption of crop diversification by specialized grain farmers in south-western France: evidence from a choice-modelling experiment. Review of Agricultural, Food and Environmental Studies, 102(3), 265-283.*

Singh, S., Jones, A. D., DeFries, R. S., & Jain, M. (2020). *The association between crop and income diversity and farmer intra-household dietary diversity in India. Food Security, 12, 369-390.*